

## С.ПЕТЕРБУРГ ФОНОЛОГИЯ МАКТАБИ ТАЛҚИНИДА ФОНЕМА НАЗАРИЯСИ

**Раджабов Насир Насимович**

*филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

**Аннотация:** Мақола фонема назариясининг С.Петербург фонология мактаби талқинида ўзига хос жиҳатлари таҳлилига бағишланган. Унда мазкур назария сўз ва сўз шаклига асосланиши, фонема сўз шакли ва маъносини фарқлай оладиган энг кичик мустақил бирлик эканлиги, у турли оттенкалар йиғиндисидан иборат бўлиши, фонемаларнинг таркиби тилнинг тарихий тараққиёти мобайнида ўзгариб туриши, фонема нутқ оқимида бошқа бўлақларга бўлинмас бирлик эканлиги таъкидланган.

**Калит сўзлар:** нутқ товуши, фонема, аллофон, позицион аллофон, позицион аллофон, фонема оттенкалари, .

Тилнинг товуш тизими, ундаги энг кичик бирликлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, жумладан, нутқ товуши, фонема, фонеманинг турли позициялардаги вариант ва вариациялари тушунчаларининг ўзига хос хусусиятларини талқин қилишда уларнинг маълум бир тил мисолида ўрганилиши билан бир қаторда, мазкур бирликларнинг турли тизимли тиллар мисолидаги чоғиштира тадқиқи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотларда нутқ ва тилга оид энг кичик бирликларнинг фонетик<sup>1</sup> [14, 15, 17, 6, 5] ва фонологик<sup>2</sup> [16, 18, 10, 8, 9] жиҳатлари ёритилиши баробарида, уларнинг фонетик ва фонологик жиҳатдан мазкур тиллардаги ўзига хос ҳамда ўхшаш жиҳатлари ҳам ойдинлашади<sup>3</sup> [13, 7].

<sup>1</sup> Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.; Radjabov N.N. Reduction in the English and Uzbek languages // Контактная информация организационного комитета конференции. – С. 73.; Nasimovich R.N. Ўзбек тилида тил олди унлилар дистрибуцияси //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 117-120.; Раджабов Н. Н. Фонетические особенности безударных гласных в узбекском языке //Вестник Челябинского государственного университета. – 2016. – №. 9 (391). – С. 140-145.; Раджабов Н. Н. Ўзбек тилида тил орқа унлилар дистрибуцияси // Science and pedagogy in the modern world: Problems and solutions – 2023. – Т. 1. – №. 1.

<sup>2</sup> Nasimovich R.N. A simple classification of English unstressed vowel phonological oppositions//Innovative developments and research education. – 2022. – С. 60.; Nasimovich, R. N. . (2021). Phonological Oppositions of Unstressed Vowels in The Uzbek Language. *Middle European Scientific Bulletin*, 15.

<https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693>; Раджабов Н. Н. УЎК (УДК, UDC) 811.111 '342. 41 Инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари //Scientific reports of Bukara state university. – С. 114.; Раджабов Н.Н. Ўзбек тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 26. – С. 650-652.; Раджабов Н.Н. Фонема тушунчасининг юзага келиш тарихи // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 305-308.

<sup>3</sup> Nasimovich R. N. Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners //International Journal on Integrated Education. – Т. 4. – №. 8. – С. 16-21.; Раджабов Н.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида унлилар интерференцияси //Aniq va tabiiy fanlar mundarija.

Фонемага оид тадқиқотлар ҳақида сўз борганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мавжуд фонема назариялари ва улар асосида олиб борилган тадқиқотларнинг назарий асоси И.А.Бодуэн де Куртене ва унинг истеъдодли шогирдлари томонидан яратилган назариялар билан боғланади. Шу нуқтаи назардан, фонема борасида яратилган дастлабки илмий назарияларни чуқур ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

*Фонема* тушунчасининг юзага келиши ва назария сифатида шаклланишида рус ва поляк тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртененинг хизмати беқиёсдир. И.А.Бодуэн де Куртене томонидан асос солинган фонема тушунчасининг назария сифатида шаклланиш тарихига назар солсак, уни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкинлигини гувоҳи бўламиз: а) фонемага физик ва физиологик жиҳатдан ёндашиш босқичи – бу босқичда фонема *умумий антропофоник хусусиятлар йиғиндис*, деб таърифланади. б) фонемага морфологик нуқтаи назардан ёндашиш босқичи – бу босқичда фонема *морфеманинг ҳаракатчан компоненти* сифатида талқин қилинади, с) фонемага психологик жиҳатдан ёндашиш босқичи – бу босқичда фонема *нутқ товушларининг психик эквиваленти*, деб таърифланади. Мазкур босқичларда фонеманинг бир-биридан фарқланадиган *антропофоник, морфологик* ҳамда *психологик* аспекти очиқ берилган<sup>4</sup> [1, 122-171]. И.А.Бодуэн де Куртененинг мазкур ғоялари кейинчалик унинг шогирдлари томонидан давом эттирилди

Лев Владимирович Щерба И.А.Бодуэн де Куртененинг истеъдодли шогирдларидан бири бўлиб, у устозининг фонемага оид қарашларини янада ривожлантиради. Л. В. Щерба фонеманинг функционал-лингвистик жиҳатига асосий эътиборини қаратади ва ўз тадқиқотида фонеманинг сўз шакли ва маъносини фарқловчи хусусиятини чуқур ёритади. Унинг назариясига кўра: фонема сўз шакли ва маъносини фарқлай оладиган энг кичик тил бирлигидир. Фонема мустақил birlikдир. Ҳар бир фонема ўзининг вариантларига эга бўлиб, нутқда улар ана шу вариантлари орқали намоён бўлади. Тилдаги ҳар бир фонема ўзининг артикуляцион-акустик хусусиятларига асосланган фонологик фарқловчи ва фонологик жиҳатдан фарқланмайдиган белгиларига эга. Фонемаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш орқали уларнинг фонологик фарқловчи ёки фонологик жиҳатдан фарқланмайдиган белгилари аниқланади. Тилдаги барча фонемалар фонологик системага бирлашади. Мазкур назария, кейинчалик, С.Петербург фонология мактаби фонема назариясининг юзага келишига туртки бўлди.

С.Петербург фонология мактаби назарияси Л.В. Щербанинг фонема назариясига асосланади. Бу мактаб намояндалари қаторидан Л.Р. Зиндер, М.И.

<sup>4</sup> Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Том I. – М.: Академия наук, 1963. – 384 с. (с. 122-171.)

Матусевич, Й.С. Маслов, Л.В. Бондарко, В.И. Литкин, А.Н. Гвоздев, Я.В. Лоя, О.И. Дикушина каби машхур тилшунос олимлар ўрин олган. Л.Р. Зиндер фонемани нутқнинг энг кичик, бўлинмас бирлиги сифатида талқин қилиб, тузилишига кўра у турли хил хусусиятларга эга бўлишини ва бу хусусиятларнинг баъзилари бошқа фонемалар билан умумийликни ташкил қилса, баъзилари уни бошқа фонемалардан фарқли жиҳатларини намоён қилишини таъкидлайди<sup>5</sup>[3, 42]. Унингча, ҳар бир фонема турли фонетик контекстларда келиши, сўзловчининг талаффузидаги шахсий ўзига хослиги ва шеваларга боғлиқ ҳолда фарқли талаффуз қилиниши туфайли турли хил аллофонлар кўринишида мавжуд бўлади. Фонема аллофонлари икки турли бўлиб, улар фонеманинг сўздаги ўрнига боғлиқ ҳолда ўзгача талаффуз қилинишидан ҳосил бўладиган аллофонлар ва фонеманинг нутқда бошқа бир фонема таъсирида ўзгариб талаффуз қилинишидан юзага келадиган аллофонлардир. Фонеманинг сўздаги ўрнига боғлиқ ҳолда юзага келадиган аллофони позицион аллофон (масалан, француз тилида чўзиқ унлиларнинг сўз охирида қисқа талаффуз қилиниши), ёнма-ён келган бошқа фонемалар таъсирида ҳосил бўладиган фонема аллофони комбинатор аллофон (масалан, /t/ ва /p/ товушларидан кейин келган айнан бир /a/ фонемасининг талаффузи ўзаро фарқ қилади) дейилади<sup>6</sup>[3, 46-47.]. С.Петербург фонология мактаби назариясида фонемаларнинг позицион ўзгаришларига эътибор қаратилса-да, бунга сабаб бўлувчи фонемаларнинг позицияси (фонемаларнинг кучли ва кучсиз позицияси) назардан четда қолади. Бу назарияга кўра, фонемаларнинг кучсиз позицияси билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган (масалан, дуб /dup/ сўзи охиридаги /p/ товуши дуба /duba/ сўзида /b/ тарзида ифодаланиши каби) товуш ўзгаришлари фонемалар алмашинуви сифатида баҳоланади<sup>7</sup>[11, 54.]. Шунинг учун фонемаларнинг кучли ва кучсиз позицияларини фарқлаш, кучсиз позиция туфайли юзага келадиган фонемалар нейтралзациясини тадқиқ қилиш мазкур мактаб назариясига кўра аҳамиятсиз ҳисобланади. Л.Р. Зиндер фонемага доир тадқиқоти давомида Л.В. Щербанинг фонемани мустақил birlik сифатидаги назариясини янада ривожлантирди. У фонемани мустақил birlik эканини қуйидагича изоҳлайди:

а) фонема фонетик birlik сифатида нутқда турли хил аллофонлар орқали ифодаланади ва бу уни физик ва физиологик жиҳатдан мураккаб birlikка айлантиради.

б) ҳар бир киши ўзининг она тилидаги фонемаларни бемалол таний олади. Масалан, рус тилидаги калоша сўзидаги /к/ фонемаси билан галоша сўзидаги /г/ фонемаси ўртасидаги фарқни исталган рус кишиси фарқлай олади.

<sup>5</sup> Зиндер Л. Р. Общая фонетика. – Москва: Высшая школа, 1979. С. 42.

<sup>6</sup> Зиндер Л. Р. Общая фонетика. – Москва: Высшая школа, 1979. С. 46-47.

<sup>7</sup> Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 54.

в) киши ўзининг она тилидаги фонемаларни улар унга нотаниш бўлган сўзларда ифодаланган бўлса ҳам таний олади: [абака], [аз'ам].

г) агар фонемалар мустақил бирлик бўлмаганда эди, биз олинма сўзларни (масалан, джемпер, леди, Диккенс каби) ўзимизнинг она тилимиздаги фонемалар воситасида ифода қила олмас (ёза олмас) эдик.

д) она тилида юзага келган баъзи янги сўзларни (масалан, ЦИК, ЗАГС, ГУМ, ДОТ, ВТЕК каби) ҳатто маъносини билмаган тақдирда ҳам уларни ифодалаб келган фонемалар таниб олинади.

е) ҳар бир киши ўзининг она тилидаги исталган сўзни фонемаларга тўғри ажрата олади<sup>8</sup>[2, 31-32.].

С.Петербург фонология мактаби фонема таъриф беришда сўз ва сўз шаклига асосланади. Бу мактаб назариясида фонема сўз шакли ва маъносини фарқлай оладиган энг кичик мустақил бирлик сифатида талқин қилинади ва қуйидагилар мазкур мактабнинг асосий ғоялари сифатида эътироф этилади:

– Фонемаларнинг сўз шакли ва маъносини фарқловчи вазифаси мавжуддир;

–Фонема турли оттенкалар йиғиндисидан иборат бўлган мураккаб бирликдир;

–Фонема нутқ оқимида бошқа бўлақларга бўлинмайдиган бирликдир;

–Фонемаларнинг таркиби тилнинг тарихий тараққиёти мобайнида ўзгариб туради (/s/, /z/ фонемалари қадимги инглиз тилида битта фонеманинг икки хил аллофони ҳисобланган);

–Фонемалар нутқни ташкил қилувчи асосий моддий материал бўлганлиги туфайли, нутқ ўз навбатида фонемаларга бўлинади;

–Товушларнинг фонемик мақомини белгилашда сўзларнинг минимал жуфтликлари муҳим аҳамиятга эга бўлади;

–Фонемаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш орқали уларнинг фонологик фарқлайдиган ва фонологик фарқламайдиган белгилари аниқланади;

–Тилдаги барча фонемалар фонологик жиҳатдан фарқловчи у ёки бу белги асосида коррелятив қаторларга ва улар орқали фонологик тизимга бирлашади;

–Фонемаларнинг таркибан ривожланишида чет тилидан ўзлашган сўзлар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин (масалан, /к/-/к'/, /г/-/г'/, /х/-/х'/ зидланишларидаги юмшоқ аъзолар асосан ўзлашган сўзлар таъсирида юзага келган<sup>9</sup>[12, 24]);

С.Петербург фонология мактаби юқорида келтирилган ғояларга асосланиб, фонемага шундай таъриф беради:

Фонема тарихан шаклландиган (исторически сложившаяся), нутқ оқимида бошқа бўлақларга бўлинмайдиган, фонологик системадаги бошқа фонемалар

<sup>8</sup> Бу ҳақида қаранг: Дикушина О. И. Фонетика английского языка. Теоретический курс. – Москва: Просвещение, 1965. С. 31-32.

<sup>9</sup> Јамолхонов Н.А. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009. 24-б.

билан қарама-қарши қўйиладиган, мустақил аҳамиятга эга бўла оладиган, сўз ёки сўз шаклларининг товуш қобиғига кириб, уларни бир-биридан фарқлай оладиган тилнинг энг кичик бирлиги бўлиб, нутқда у фонетик контекстга боғлиқ ҳолда турли хил оттенкаларда намоён бўлади<sup>10</sup>[4, 41]. Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, С. Петербург фонология мактаби вакиллари товушларнинг фонемик мақомини белгилашда фонемага сўз ва сўз шакли нуқтаи-назаридан ёндашадилар. Бу мактаб назариясига кўра сўзнинг маълум бир ўрнидаги товуш алмашинувида иштирок этувчи турли товушларнинг ҳар бири мустақил фонемалар бўлиб ҳисобланади. Масалан, вода /vɒdɒ/, воды /vodi/, воду /vədu/ сўзларидаги /ɒ/-/o/-/ə/ товушларининг ҳар бири бу мактаб назариясига кўра алоҳида фонеманинг вакиллари саналади.

Хулоса қилиб айтганда, С.Петербург фонология мактабининг фонема назарияси сўз ва сўз шаклига асосланади. Унга кўра, фонема сўз шакли ва маъносини фарқлай оладиган энг кичик мустақил birlik бўлиб, у турли оттенкалар йиғиндисидан иборат бўлади. Фонемаларнинг таркиби тилнинг тарихий тараққиёти мобайнида ўзгариб туради. Фонема нутқ оқимида бошқа бўлақларга бўлинмайди.

#### Адабиётлар:

1. Бодуэн де Куртене И.А. Избранные труды по общему языкознанию. Том I. – М.: Академия наук, 1963. – 384 с. (с. 122-171.)
2. Дикушина О. И. Фонетика английского языка. Теоретический курс. Москва: Просвещение, 1965. С. 31-32.
3. Зиндер Л. Р. Общая фонетика. – Москва: Высшая школа, 1979. С.46-47.
4. Матусевич М.И. Современный русский язык: Фонетика. – Москва: Просвещение, 1976. С.41.
5. Раджабов Н. Н. Ўзбек тилида тил орқа унлилар дистрибуцияси //Science and pedagogy in the modern world: Problems and solutions – 2023. – Т. 1. – №. 1.
6. Раджабов Н. Н. Фонетические особенности безударных гласных в узбекском языке //Вестник Челябинского государственного университета. – 2016. – №. 9 (391). – С. 140-145.
7. Раджабов Н.Н. Инглиз ва ўзбек тилларида унлилар интерференцияси //Aniq va tabiiy fanlar mundarija.
8. Раджабов Н.Н. Ўзбек тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. – №. Special Issue 26. – С. 650-652.

<sup>10</sup> Матусевич М.И. Современный русский язык: Фонетика. – Москва: Просвещение, 1976. С.41.

9. Раджабов Н.Н. Фонема тушунчасининг юзага келиш тарихи // Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 305-308.
10. Раджабов Н.Н. УЎК (УДК, UDC) 811.111 '342. 41 Инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари //Scientific reports of Bukara state university. – С. 114.
11. Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. С. 54.
12. Jamolxonov H.A. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. – Тошкент: Фан, 2009. 24-б.
13. Nasimovich R. N. Language Interference in Teaching English Diphthongs to Uzbek Learners //International Journal on Integrated Education. – Т. 4. – №. 8. – С. 16-21.
14. Nasimovich R. N. Quality and quantity reduction //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 48-49.
15. Radjabov N.N. Reduction in the English and Uzbek languages // Контактная информация организационного комитета конференции. – С. 73.
16. Nasimovich R.N. A simple classification of English unstressed vowel phonological oppositions//Innovative developments and research education. – 2022. – С. 60.
17. Nasimovich R.N. Ўзбек тилида тил олди унлилар дистрибуцияси //Journal of innovations in scientific and educational research. – 2022. – Т. 2. – №. 13. – С. 117-120.
18. Nasimovich, R. N. . (2021). Phonological Oppositions of Unstressed Vowels in The Uzbek Language. *Middle European Scientific Bulletin*, 15. [https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693.;](https://doi.org/10.47494/mesb.2021.15.693;)